КОМИССИЯ ШАРТНОМАСИ

№ ____

Тошкент ш. "__" _____ 20__ й.

"_____" МЧЖ (СТИР _____), кейинги ўринларда "Комитент", номидан устав асосида иш юритувчи директор _____, бир томондан, ва _____ (СТИР _____), кейинги ўринларда "Комиссионер", номидан _____ асосида иш юритувчи _____, иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Комиссионер Комитентнинг топшириғига биноан ҳақ эвазига ўз номидан, лекин Комитент ҳисобидан товарларни сотиш бўйича битимлар тузади.

2.1. Комиссия ҳақи: сотилган товар қийматининг ____% и. Комиссионер ҳар ой ҳисобот тақдим этади ва тушумни ____ кун ичида Комитентга ўтказади. 2.2. Товар Комитент мулки бўлиб қолади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

Мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда томонлар "Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун ва Фуқаролик кодексига мувофиқ жавобгар бўлади. Тўлов кечиктирилганда кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4% миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50% идан кўп бўлмаган пеня тўланади. Мажбурият бажарилмаганда — бажарилмаган қисм қийматининг 0,5% миқдорида, лекин 50% дан кўп бўлмаган пеня.

ФОРС-МАЖОР

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (табиий офат, уруш, давлат органларининг қарорлари) мажбуриятларни бажаришга тўсқинлик қилса, томонлар жавобгарликдан озод этилади; бу ҳақда 5 кун ичида ёзма хабар берилади.

НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

Низолар музокаралар ёъли билан, претензия тартибида (жавоб муддати — 15 кун), келишувга эришилмаса — иқтисодий судда ҳал этилади.

ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Шартнома имзоланган кундан кучга киради ва "__" _____ 20__ йилгача (мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунча) амал қилади. Шартнома Дидох орқали электрон рақамли имзо билан имзоланган

бўлса, қоғоз нусха билан тенг кучга эга. Ўзгартиришлар қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

Комитент	**Комиссионер**

Номи, манзили, СТИР, ҳ/р, банк, МФО, ҚҚС тўловчи коди, телефон — ҳар бир томон бўйича.

Комитент: _____ М.О. Комиссионер: _____ М.О.